

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И  
№ 3-408-2018**

2018 йил декабрь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Кодиров, ҳайъат судьялари И.Хамидов ва Ш.Шариповлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Шерматовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари Э.Султанов, судланувчи Д.Юлдашева ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Ураков ҳамда жабрланувчи З.Максумова ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Анварбековларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2018 йил 22 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан судланган

**Юлдашова Дилфуза Солиевна (Yuldashova Dिल्фуза Soliyevna)**, 1974 йил 17 ноябрь куни Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, мукаддам жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2012 йил 16 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан юритилган жиноят иши 2011 йил 5 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган, ЖКнинг 77-моддасига асосан судланмаган шахс ҳисобланади, вақтинча ишсиз, Гулистон шаҳар, Улуғбод қўрғони, Аверьянов кўчаси, 6<sup>А</sup>-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан жабрланувчи З.Максумова томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;

**А Н И Қ Л А Д И:**

Д.Юлдашевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Д.Юлдашова жабрланувчи З.Максумовага ундан мукаддам қарзга олган пулларини ва кийим-кечакларни пулларини агарда қарзга кийим-кечак берса, З.Максумовага тегишли бўлган Гулистон шаҳар, Туркистон кўчасида жойлашган “Гулистон буюм бозори”да жойлашган савдо дўконига сотиб, пулларини ва қарзини тўлиқ қайтариб беришни айтиб, уни алдаб, ўзаро ишончли муносабатга киришганлигидан фойдаланиб, 2014 йил 5 май кунига қадар 55.820.000 сўмлик ва 15.638.145 сўм 40 тийин қийматга тенг бўлган 6.870 АҚШ доллари ҳисобидаги, жами 71.513.965 сўм 40 тийин кўп миқдорда бўлган қийматдаги кийим-кечакларни олиб, шундан 40.360.000 сўмлик ва 9.069.147 сўм 40 тийин қийматга тенг бўлган 3.970 АҚШ доллари ҳисобидаги, умумий жами 49.429.147 сўм 40 тийин кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган кийим-кечакларнинг пулларини бермасдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб талон-торож қилган.

Жабрланувчи З.Максумова апелляция шикоятда, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, Д.Юлдашеванинг жиноий ҳаракатлари асосиз равишда ЖКнинг 168-моддаси 2-қисм “а” банди билан малакаланганлиги, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят аломатлари борлиги, чунки Д.Юлдашова унинг 80.000.000 сўмга тенг бўлган кийим-кечак ва бошқа моддий қимматликларини сотиб пулини беришни айтиб, ишончига кириб алдаб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, ишни янгитдан бошқа суд таркибида кўриб чиқишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Т.Кодировнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг шикоятдаги вазлар асосиз бўлганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Д.Юлдашова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Ураковларнинг апелляция шикоятини рад қилиб, Д.Юлдашовани ЖКнинг 64-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги, жабрланувчи З.Максумова ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Анварбековларнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, биринчи босқич суди томонидан судланувчи Д.Юлдашеванинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Апелляция судлов ҳайъатида сўралган жабрланувчи З.Максумова ўз кўрсатувида, у судланувчи Д.Юлдашовани 2011 йилдан буён танишлигини, у тилло тақинчоқлар дўконига савдо қилишлигини,

судланувчи Д.Юлдашова билан биргаликда Туркия давлатига боришиб, савдо молларини олиб келишганлиги, Д.Юлдашова Туркияда уни сумкаларини кўтариб юрганлигини, унинг барча ишларида ёрдам берганлигини, шунда у Д.Юлдашовага ишониб, меҳр қўйганлигини, биринчи мартаба у Д.Юлдашова билан Туркияга боришганида, 2.000 АҚШ доллари тенг бўлган кийматдаги музлатгич, телевизор ва бошқа нарсаларни олиб келишганлигини, дастлаб судланувчи Д.Юлдашова ундан қарзга пул олиб, қарзларини вақтида қайтариб берганлигини, 2012 йил бошларида Д.Юлдашова ундан 3000 ва 10.000 АҚШ доллари, 2012 йил охирларида эса 30 миллион сўмлик тилло тақинчоқларини олганлигини, Д.Юлдашова у билан бирга Туркияга бориб савдо моллар олиб келганлиги, лекин Туркиядан олиб келган 5 минг АҚШ долларилик нарсаларини божхона постида олдириб қўйганлиги, шундан сўнг Д.Юлдашова унга қарзини қайтариб бериши учун дўконда ишлаётган ижарачиларни чиқариб, дўконни кийим-кечаклар билан тўлдириб беришини, кийим-кечакларни сотиб қарзини қайтариб беришини айтганлиги, шунда у Д.Юлдашова қарзини қайтариб бериши учун ўзига тегишли бўлган дўконни кийим-кечаклар билан тўлдириб берганлиги, дўкон ва товар моддий бойликлари унга тегишли бўлганлиги, товар моддий бойликларининг суммаси 55 миллион сўм бўлганлиги, у товар моддий бойликларининг нархини Туркиядаги нархдан ҳисоблаганлиги, Туркияда товар моддий бойликлари АҚШ долларида сотилиши, у 80 миллион сўм қарзни Д.Юлдашова қарзини қайтариб бериши учун қарз қилиб берганлиги, Д.Юлдашовага кийим-кечак кўринишида берган 55 миллион сўмлик моддий товарлари рўйхати тузилиб, олинган кийим-кечакларининг нархи АҚШ долларида бўлган долларда, сўмга олинганлиги сўмда ҳисобланганлиги, шу сабабли 55 миллион сўмлик қарз 49.429.147 сўм бўлиб қолганлиги, судланувчи Д.Юлдашова унга 55 миллион сўмлик товар моддий бойликларини 95 миллион сўмга сотганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб берганлиги, лекин Д.Юлдашова унга дўкондаги сотилган нарсаларни пулини ва 80 миллион сўм қарзини қайтариб бермаслигини, олган қарзларини турмуш ўртоғи албатта қайтариб беришини айтиб, алдаб келганлиги, шунда у Д.Юлдашовага қарзларини қайтариб бермаса, судга мурожаат қилишини айтганлиги, судланувчи Д.Юлдашова унга илтимос қилиб, уни судга бермаслигини, олган қарзларини албатта қайтариб беришини айтиб, нотариусдан қарз шартномаси қилиб қўйишларини айтганлиги, 2013 йил 19 июлда у ва Д.Юлдашова нотариусдан қарз шартномаси тузишганлиги, нотариусга у ва Д.Юлдашова ўртасида пул олди-бердиси бўлганлиги ҳақида айтилганлиги, судланувчи Д.Юлдашова унга 1,5 йил муддат беришини, турмуш ўртоғининг фабрикаси ишга тушса, қарзларини қайтариб беришини айтганлиги, нотариусда тузилган қарз шартномаси учун давлат божини у тўлаганлиги, давлат божи 800.000 сўм бўлганлиги, судланувчи Д.Юлдашова ўша вақтда пули йўқлигини айтганлиги, турмуш ўртоғидан кейинчалик олиб беришини айтганлиги учун, давлат божини у тўлаганлиги, қарз шартномаси тузилгунига қадар судланувчи Д.Юлдашованинг ундан 80 миллион сўмлик қарзи бўлганлиги, қарзни қайтариш муддати 2014 йил декабрь ойи деб белгиланганлиги, лекин Д.Юлдашова қарзини қайтариб бермаганлиги, ҳозирги вақтда Д.Юлдашова ундан жами 13.000 АҚШ доллари ва 80 миллион сўмлик қарзи борлиги сабабли, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан малакалаб, қонуний чора кўришни сўради.

Апелляция судлов ҳайъатида сўралган судланувчи Д.Юлдашова ўз кўрсатувида, у З.Максумовани 2011 йилдан буён танишлигини, у бошқа кишидан 4.000 АҚШ доллари қарз бўлиб қолганлиги, ўзи ҳеч қаерда ишламаганлиги сабабли фоизга қарз берувчи одамни излаганлиги, қўшнилари З.Максумова 5 фоизга қарз беришини айтишганлиги, у фоизи кам эканлигидан хурсанд бўлиб, З.Максумова билан танишиб ундан фоизга қарз олмоқчи бўлганлиги, шунда З.Максумова унга гаровга қўйишга нимаси борлиги ҳақида сўраганлиги, у ҳеч нарсаси йўқлигини айтганлиги, З.Максумова унга тилло-тақинчоқлари бўлса гаровга қўйишни айтганлиги, лекин уни тилло-тақинчоқлари бўлмаганлиги, шунда З.Максумова унга уй-жой кўчмас мулкни гаровга қўйишни айтганлиги, шунда у укаси Самадов Улугбекни уйини З.Максумованинг уйида ижарада яшовчи М.Абдурасулованинг номига расмийлаштириб берганлиги ва 4.000 АҚШ долларини ойига 200 АҚШ доллари фоизини тўлаш эвазига олганлиги, лекин 4.000 АҚШ долларини тўлиқ қайтариш муддатини ўзаро келишишмаганлиги, 6 ой давомида 200 АҚШ долларидан фоизини тўлаб келганлиги, кейин тўлолмай қолганлиги, шунда З.Максумовани ўзидан 2.000 АҚШ долларини қарзга олганлиги, фоизи эса 300 АҚШ доллари бўлганлиги, асосий қарзи 4.000 АҚШ доллари бўлганлиги, қолган суммаларни З.Максумовага фоизи эвазига ўзига тўлаб келганлиги, ҳатто З.Максумова бир неча ой фоизини олмаслик эвазига уйда ишлаётган усталарига ҳар куни овқат қилиб беришини сўраганлиги, у З.Максумованинг усталарига овқат ҳам қилиб берганлиги, у ноябрь ойида туғилганлиги сабабли З.Максумова унга ўша ойни фоизини, яъни 500 АҚШ долларини олмаслигини, туғилган кунига совға эканлигини айтганлиги, у Наргиза исмли дугонасини дўконидан қарзга музлатгич, телевизор ва шунга ўхшаш нарсаларни олиб, З.Максумовага фоизини тўлаш эвазига олиб бориб берганлиги, шунда дугонаси Наргиза уни огоҳлантирганлиги, чунки З.Максумова фоизга пул бериб, хонавайрон қилишини айтганлиги, у З.Максумовадан олган товар моддий бойликлари 55 миллион сўмлик бўлмаганлиги, товар моддий бойликлари уч барабар нархда нархланиб, унга сотиб беришлик учун берилганлиги ва рўйхатда ҳам уларнинг нархи жуда қиммат кўрсатилганлигини, шунда у З.Максумовага кийим-кечаклар жуда қиммат нархланганлигини айтганида, З.Максумова унга рўйхатдаги нархлар тураверишини, сотганича сотишини айтганлиги, лекин у кийим-кечакларни ўзи уч барабар қиммат нархланган бўлса, яна устига қўйиб сота олмаганлиги, яъни покривал 32 АҚШ доллари бўлса, 100 АҚШ доллари деб нархланган ва рўйхатда ҳам шундай ёзилган бўлганлиги, 2013 йил ёз ойларида З.Максумова унга қўнғироқ қилиб, торг пиширганлигини, уйига келишини айганлиги, у турмуш ўртоғи билан тоғга кетаётганлигини, вақти йўқлигини айтганлиги, лекин З.Максумова зудлик билан келиб

кетишини сўраганлиги, у З.Максумованинг уйига борганида, З.Максумова такси чақиртириб, уни бизнес мактаби биносида жойлашган нотариусга олиб кирганлиги, нотариус унга қарз шартномаси расмийлаштирилганлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсатганлиги, шу вақтда уни турмуш ўртоғи қўнғироқ қилиб, тоғга кетаётганлигини айтганлиги сабабли ҳужжатни ўқимасдан имзолаб, шошиб чиқиб кетганлиги, имзони ўз ихтиёри билан қўйганлиги, уни ҳеч ким мажбурламаганлиги, лекин у З.Максумовага давлат божини тўлаб беришини, сўнгра турмуш ўртоғидан олиб бериши ҳақида айтмаганлиги, давлат божи 800.000 сўм бўлганлигини ва уни З.Максумованинг ўзи тўлаганлигини, қарз шартномасини нотариусда расмийлаштириш фикри ундан чиқмаганлигини, нима учун қарз шартномаси тузилаётганлигини сўраганида, З.Максумова бир варақ ёзиб берган тилхат ҳеч нима бўлмай қолиши ҳақида айтганлигини, қарз шартномаси тузилгунига қадар у З.Максумовага 2.000 АҚШ доллари қийматида тенг бўлган музлатгич, телевизор, 2.500 АҚШ доллари қийматида тенг бўлган бриллиант комплекти тақинчоқлар, 1.500 АҚШ долларига тенг бўлган бриллиант узук, кондиционер берганлиги, З.Максумова рўйхат тузиб сотиш учун берган нарсаларининг нархи сўмда ва долларда ёзилган бўлиб, жами 55 миллион сўм бўлганлиги, долларда ёзилган нархлар сўмга курс бўйича ҳисобланганда 49.429.147 сўмни ташкил этганлигини, уни ҳозирги вақтда З.Максумовадан қарзи қолмаганлиги, лекин З.Максумова у берган нарсаларни қарз сифатида эмас, қарзнинг фоизи қопланганлиги ҳақида айтганлиги, З.Максумова билан биргаликда савдо сотиқ билан шуғулланишганликларини, бирга Туркия давлатига ҳам бир неча маротаба бориб келишганликларини, 2011-2012 йилларда Туркиядан олиб келаётган 5.000 АҚШ доллари миқдоридан бўлган буюмларини ва тилло тақинчоқларини божхона кўригидан ўтказаятганида божхона баённомасига кўрсатмаганлиги сабабли давлат фойдасига мусодара қилиниб, З.Максумовадан олган қарзларини вақтида қайтармаганлиги оқибатида кўп миқдорда қарз бўлиб қолганлигини, З.Максумова қарздорлиги ҳақида тилхат ёздириб олганлигини ва 2013 йил 19 июль куни З.Максумованинг ташаббуси билан 80 миллион сўм қарздорлиги ҳақида Гулистон шаҳридаги 2-сон Давлат нотариал идорасида қарз шартномасини расмийлаштирилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Апелляция судлов ҳайъатида видеоконференцалоқа тизими орқали сўралган гувоҳ Мисиров Алишер ўз кўрсатувида, у нотариус лавозимида 2006-2015 йиллар давомида ишлаганлиги, судланувчи Д.Юлдашова ва жабранувчи З.Максумоваларни танишлиги, 2013 йил 19 июль куни қарз шартномаси расмийлаштирилганлиги, қарз шартномаси расмийлаштирилган вақтда Д.Юлдашова ва жабранувчи З.Максумовалар ўртасида пул олди-бердиси олдин бўлганлиги ҳақида билганлиги, давлат божи 800.000 сўм бўлганлиги, давлат божи З.Максумова томонидан тўланган бўлганлиги, қарз шартномаси тайёр бўлганидан кейин З.Максумова ва Д.Юлдашовалар ўзлари рози бўлишиб, қарз олди-бердисини тасдиқлашганлиги, Д.Юлдашова ва З.Максумовалардан бошқа уларни олдида ҳеч ким бўлмаганлиги, улар унга пул олди-бердиси олдин бўлганлигини айтишганлиги, давлат божи тўланмаган тақдирда у қарз шартномасини расмийлаштириб бермаслиги, қарз шартномасининг 5-бандида Д.Юлдашова томонидан давлат божи тўланишлиги қайд этилган бўлсада, бироқ кассага З.Максумова давлат божини тўлаганлиги, ким давлат божини тўлашидан қатъий назар, улар ўз ихтиёрлари билан бир-бирлари билан келишган ҳолда тўлашганлиги ҳақида баён қилди.

Апелляция судлов ҳайъатида видеоконференцалоқа тизими орқали сўралган гувоҳ Абдурасулова Мархабо Абдусаматовна ўз кўрсатувида, у жабранувчи З.Максумова ва судланувчи Д.Юлдашоваларни 2011 йилдан буён танишлиги, чунки у 2011 йилдан 2014 йил август ойигача З.Максумованинг уйда ижарада яшаганлиги, Д.Юлдашова З.Максумованинг уйига 2011 йил баҳор ойларидан келишини бошлаганлиги, Д.Юлдашова З.Максумовани уйдан сотишга нарсаларни олиб кетганлиги, бундан ташқари З.Максумовадан пул ҳам олиб кетганлиги, Д.Юлдашова Туркия давлатига бориш учун бўлиб-бўлиб пул олиб кетганлиги, З.Максумова билан Д.Юлдашовалар ўртасидаги пул олди-бердиси 2011 йил баҳор ойларидан бошланганлиги, Д.Юлдашова Туркия давлатидан кийим-кечаклар, сочиқлар олиб келганлиги, Д.Юлдашова З.Максумованинг уйига келган вақтида у шу атрофда уй ишларини қилиб юрганлиги, шу сабабли уларнинг ўртасидаги гапларини эшитиб қолганлиги, ҳар келганида Д.Юлдашова қарзини албатта қайтаришини айтиб кетганлиги, лекин қарзини тўламаганлиги, Д.Юлдашованинг Туркиядан олиб келаётган товар моддий бойликлари божхонадан олиб қўйилганлиги ва давлат фойдасига мусодара бўлганидан ҳам хабари борлиги, Д.Юлдашованинг З.Максумовадан қарзни фоиз эвазига олганлигини эшитмаганлиги ва бу ҳақида гап ҳам бўлмаганлиги, чунки Д.Юлдашова З.Максумованинг уйига келиб ўзаро гаплашиб ўтиришганида, у телевизор томоша қилганлиги, лекин бир маротаба Д.Юлдашова З.Максумовага “акамга пул керак, дўконини қуришга пули етмаяпти” деган гапини эшитганлиги, шундан сўнг Д.Юлдашова кетганлиги, З.Максумова унга Д.Юлдашовани укаси уйини сотмоқчи эканлиги ҳақида айтганлиги, ўша вақт у уй-жой сотиб олиш мақсадида озгина пул йиғиб қўйган бўлганлиги, шундан сўнг у Д.Юлдашованинг укасига тегишли бўлган илгари товуқ боқилган, яшаш шароити унчалик ҳам яхши бўлмаган ўша уйни 8.000 АҚШ долларини 20 миллион сўмга ҳисоблаб сотиб олганлиги, уйни олди-сотди шартномаси нотариусда расмийлаштирилганлиги, нотариусга у, Д.Юлдашованинг укаси Улуғбек ва З.Максумовалар билан биргаликда боришганлиги, лекин ҳозирги вақтда ўша уй-жой масаласи низоли бўлиб, уйни олди-сотди шартномаси фуқаролик судда бекор қилинганлиги, чунки Д.Юлдашованинг укаси Улуғбек ўша уйни сотишидан олдин турмуш ўртоғининг имзосини сохталаштириб, розилик имзоларини қўйдириб сотган бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция судлов ҳайъатида видеоконференцалоқа тизими орқали сўралган гувоҳ Усманова Дилноза Хамрокуловна ўз кўрсатувида, у З.Максумовани 2012 йилдан буён танишлиги, Д.Юлдашовани яхши танимаслиги, лекин З.Максумованинг уйда бир неча маротаба кўрганлиги, З.Максумова Туркиядан турли буюмлар, кийим-кечаклар олиб келганлиги, у З.Максумовани уйига бориб нарсалар сотиб олганлиги, у З.Максумованинг уйига борган вақтида ўша ерда Д.Юлдашовани ҳам кўп маротаба кўрганлиги, Д.Юлдашова ва З.Максумоваларнинг ўртасидаги пул олди-бердидан хабари йўқлиги, лекин бир маротаба у З.Максумованинг уйига кийим сотиб олиш учун борган вақтида, Д.Юлдашова кўлида телевизор билан кириб келганлиги ва З.Максумовага телевизорни сотиб олишини сўраганлиги, лекин З.Максумова телевизорни борлигини, сотиб олмаслигини айтганлиги, шунда Д.Юлдашова унга ҳам телевизорни сотиб олишини илтимос қилганлиги, у керак эмаслигини айтганлиги, лекин барибир Д.Юлдашова телевизорни сотиб олишни илтимос қилаверганлиги, Д.Юлдашованинг шахсан ўзи телевизорни кўтариб З.Максумованинг уйига кирган бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция судлов ҳайъатида видеоконференцалоқа тизими орқали сўралган гувоҳ Уринова Нодира Мухторовна ўз кўрсатувида, у Д.Юлдашовани танишлиги, лекин З.Максумовани танимаслигини, унинг дўкони борлиги, Д.Юлдашова ундан 2013 йилдан буён қарзга “бытовой техника” олганлиги, яъни телевизор, музлатгич, кондиционер ва бошқа нарсаларни олганлиги, телевизорни ҳажми анчагина катта эканлиги, ушбу телевизорни кимдир кўтара олади, кимдир йўқ, Д.Юлдашова анча нарсаларни тахминан 2.000 АҚШ долларига тенг бўлган товарларни қарзга олганлиги, шунда у Д.Юлдашовадан бунча нарсаларни нима қилишини сўраган вақтида, Д.Юлдашова унга бир аёлдан фойзга қарз олганлигини, ҳозирги вақтда қарзини фойзи кўпайиб кетганлигини, турмуш ўртоғига айта олмаётганлигини айтганлиги, Д.Юлдашова унга ўзи учун ҳам ва қарзини фойзи ошиб кетганлиги сабабли фойзини қоплаб бериш эвазига олаётганлигини айтганлиги, Д.Юлдашованинг ундан қарзи йўқлиги, Д.Юлдашова барча қарзга олган нарсаларини пулини тўлаб берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция судлов ҳайъатида видеоконференцалоқа тизими орқали сўралган гувоҳ Жураева Ўғилхон ўз кўрсатувида, у тикувчилик билан шуғулланишлиги, у З.Максумовани 2011 йилдан буён танишлиги, у Д.Юлдашовани З.Максумованинг уйда учратганлиги, ўшанда Д.Юлдашова сотишга “Versace” номли сервис, идиш-товоқ олиб келган бўлганлиги, бу воқеа 2012 йилда содир бўлганлиги, қайси ойда эканлиги ҳозир аниқ эслаб олмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати, жабрланувчи З.Максумова томонидан унинг Д.Юлдашова билан ўрталаридаги ва бошқа шахслар билан суҳбатлари ёзиб олинган дисклардаги овозли ёзувларни эшитиб кўриб, мазкур ёзувлардаги суҳбатлар давомида ёзиб олинган ҳолатлар жабрланувчи З.Максумованинг Д.Юлдашова билан ўрталаридаги олди-берди тўғрисидалигини, шунингдек, Д.Юлдашованинг бошқа шахслар билан олди-бердиси ўз аксини топанлигини қайд этади.

Дастлабки тергов Д.Юлдашовага 55 миллион сўмлик мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган деб айб қўйган бўлиб, биринчи босқич суди етказилган зарар 49.429.147 сўм эканлигини эътироф этган бўлса-да, мазкур ҳисоб китоб ниманинг ҳисобидан келиб чиққанлигини ҳукмда кўрсатмаган.

Судлов ҳайъатида сўроқ қилинган Д.Юлдашова ўзининг кўрсатувида З.Максумова рўйхат тузиб сотиш учун берган нарсаларининг нархи сўмда ва долларда ёзилган бўлиб, жами 55 миллион сўм бўлганлиги, долларда ёзилган нархлар сўмга курс бўйича ҳисобланганда 49.429.147 сўмни ташкил этганлигини билдирди, жиноят ишидаги З.Максумова тақдим этган рўйхат таҳлил қилинганда етказилган зарар 49.429.147 сўмни ташкил этиши аниқланди.

Судлов ҳайъати, жабрланувчи З.Максумованинг Д.Юлдашова билан ўрталаридаги 80 миллион сўмлик қарзини ҳам ундан алдаб олганлиги ҳақидаги важларини жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа далиллар билан таҳлил этиб, З.Максумова ва Д.Юлдашова биргаликда савдо сотиқ билан шуғулланишганликларини, бунинг учун бирга Туркия давлатига ҳам бир неча маротаба бориб келишганликларини, 2011-2012 йилларда Д.Юлдашова Туркиядан олиб келаётган 5.000 АҚШ доллари миқдорда бўлган буюмларини ва тилло тақинчоқларини божхона кўригидан ўтказмаётганида кўрсатмаганлиги сабабли давлат фойдасига мусодара қилиниб, З.Максумовадан олган қарзларини вақтида қайтармаганлиги оқибатида кўп миқдорда қарз бўлиб қолган ҳамда қарздорлиги ҳақида тилхат ёзиб берган ва 2013 йил 19 июль куни З.Максумованинг ташаббуси билан 80 миллион сўм қарздорлиги ҳақида Гулистон шаҳридаги 2-сон Давлат нотариал идорасида қарз шартномасини расмийлаштирилганлиги аниқланди. Дастлабки тергов органи мазкур қарз шартномасини фуқаролик ҳуқуқий муносабат сифатида баҳолаб, жиноят ишининг шу қисмини Д.Юлдашованинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли тугатиб, қонуний ва асосли хулосага келган.

Судланувчи Д.Юлдашова дастлабки тергов ва биринчи босқич суди томонидан кўп миқдорда фирибгарлик жиноятини содир этган деб ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” тўғрисидаги 416-сонли қонунига кўра, ЖКнинг 168-моддаси янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, мазкур модданинг 2-қисми анча миқдор квалификация белгисини назарда тутувчи “а” банди билан тўлдирилиб, санкциясида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Шу маънода, ушбу модда санкциясида кўрсатилган жазо унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Шунингдек, ЖКнинг саккизинчи бўлимидаги атамаларнинг ҳуқуқий маъносига кўра, “анча миқдор” – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдорни, “кўп миқдор” – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорни ташкил қилиши кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Д.Юлдашова томонидан фирибгарлик жинояти натижасида қўлга киритилган 49.429.147 сўм жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг (96.105 сўм) 514 бараварини ташкил этган, ҳукм чиқарилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг (172.240 сўм) 286 бараварини ташкил этган, ҳозирги кунда энг кам ойлик иш ҳақининг (202.730 сўм) 243 бараварини ташкил этади ва анча миқдорни ташкил қилади ҳамда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонун бўйича айбдор томонидан анча миқдордаги мулк фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси 3-қисмида, “Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас” лиги ҳақидаги Қонун талаби мавжуд.

Д.Юлдашова томонидан фирибгарлик жинояти содир этилган вақтда амалда бўлган қонунга кўра, айбдор томонидан анча миқдордаги мулк фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган ҳолларда, бундай қилмиш ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинишини талаб қилган.

Судлов ҳайъати, биринчи босқич суди Д.Юлдашованинг жиноий қилмишини ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топиб, хатоликка йўл қўйганлиги сабабли унинг ҳаракатларини шу модданинг биринчи қисмига қайта квалификация қилишликни лозим топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасига кўра, “агар шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб, уч йил муддат ўтган бўлса, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиниши” ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари таҳлил қилинганда, судланувчи Д.Юлдашова жабрланувчи З.Максумовани алдаб, ўзаро ишончли муносабатга киришганлигидан фойдаланиб, 2014 йил 5 май кунига қадар умумий жами 49.429.147 сўм 40 тийин кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган кийим-кечакларнинг пулларини бермасдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб талон-торож қилган.

Қонун мазмунига кўра, фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган ёки эгаллаб олинishi фирибгарга ўзгалар мол-мулкига нисбатан тегишли ҳуқуқларга эга бўлиш имконини берадиган ҳужжат фирибгар томонидан қўлга киритилган пайтдан бошлаб, мазкур ҳужжат бўйича фирибгар тегишли мулкни ёки унинг пулли эквивалентини олишдан қатъи назар, тугалланган жиноят ҳисобланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 463-моддаси 3-бандининг 2-қисмида, “Мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаради” деб кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, Д.Юлдашованинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли, жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497<sup>11</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>15</sup>, 497<sup>16</sup>, 497<sup>18</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати;

#### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2018 йил 10 июлдаги **Юлдашова Дилфуза Солиевна (Yuldashova Dilfuza Soliyevna)**га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

Юлдашова Дилфуза Солиевнанинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” бандидан ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинсин.

Юлдашова Дилфуза Солиевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан жазодан озод қилинсин.

Апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи судья:</b>	<i>(имзо)</i>	<b>Т.Кодиров</b>
<b>Ҳайъат судьялари:</b>	<i>(имзо)</i>	<b>И.Хамидов</b>
	<i>(имзо)</i>	<b>Ш.Шарипов</b>
<b>Аслига тўғри:</b>		